ЖАМАҲМАТОВ Каромиддин Айнилло ўғли
Самарқанд давалат университети таянч докторанти,
Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази манбашунослик бўлими бошлиғи
jamahmatovkaromiddin@gmail.com

МУСАВВИР ЖУДОИЙ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

ЖИЗНЬ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ХУДОЖНИКА ДЖУДЕИ ТЕРМИЗИ

THE LIFE AND ACTIVITIES OF THE ARTIST JUDEA TERMISI

Аннотация. *Азалдан Термиз "мадинату-р-рижол" (мардлар шаҳри) деб тилга олингани бежиз эмас. Яунки бу муқаддас заминда бую олимлар, муфассирлар, мутасаввифлар, муҳаддислар, мутакаллимлар ва мусаввирлар етишиб чиққан. Илм-фаннинг турли соҳаларда ўз илмий салоҳияти ва теран тафаккури билан ҳисса қўшган зотлар кўп бўлган. Ана шундай зотлардан бири машҳур рассом, шоир ва миниатюрист Жудоий Термизий ҳам асли термизлик бўлган. Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Эрон ўлкаларида юксак ижодий салоҳияти кенг шуҳрат қозонган. Бобурийлар сулоласининг йирик вакили Акбаршоҳ саройида рассомлик мактаби асос солган. Жудоий тахаллуси билан ошиқона ва орифона мазмунли шеърлар ёзган. Мақолда Жудоий Термизий ҳаёти, ижодий фаолияти даврнинг сиёсий-ижтимоий муҳити ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари чизилган нафис расмларидан намуналар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Рассом, хаттот, наққош, сарой, Акбаршоҳ, Эрон, Ҳиндистон, Термиз, Мир Мансур Мусаввир.*

Аннотация. *Не случайно Термез издревле называют «мадинату-р-рижол» (город героев). То есть на этой священной земле выросли ученые, комментаторы, мистики, мухаддисы, мутакаллимы и художники. Было много людей в различных областях науки, которые внесли свой вклад своим научным потенциалом и глубоким мышлением. Одним из таких людей был известный живописец, поэт и художник-миниатюрист Джудои Термези, родом из Термеза. Его высокий творческий потенциал широко известен в Индии, Пакистане, Афганистане и Иране. Во дворце Акбаршаха, великого представителя династии Бабуридов, была основана художественная школа. Под псевдонимом Джудои он писал романтические и орифонные стихи. В статье рассматривается жизнь и творчество Джудоя Термизи, политическая и социальная среда того периода. Есть и примеры изящных рисунков.*

Ключевые слова: *Художник, каллиграф, живописец, дворец, Акбаршах, Иран, Индия, Термез, Мир Мансур Художник.*

Annotation. *It is no coincidence that Termez has long been called "madinatu-r-rizhol" (the city of heroes). That is, scholars, commentators, mystics, muhaddis, mutakallims and artists have grown up on this sacred land. There were many people in various fields of science who contributed with their scientific potential and deep thinking. One of these people was the famous painter, poet and miniature painter Dzhudoi Termezi, originally from Termez. His high creative potential is widely known in India, Pakistan, Afghanistan and Iran. In the palace of Akbarshah, the great representative of the Baburi dynasty, an art school was founded. Under the pseudonym Judoi, he wrote romantic and oriphon poetry. The article examines the life and work of Judoy Termizi, the political and social environment of that period. There are also examples of graceful drawings.*

Keywords: *Artist, calligrapher, painter, palace, Akbarshah, Iran, India, Termez, Mir Mansur Artist.*

КИРИШ

Термизий нисбаси билан форс ва ҳинд диёрида машҳур бўлган кўплаб термизий алломалар борлиги барча тарихчи олимларга сир бўлмаса керак. Хусусан муғуллар босқини даврида Мовароуннаҳрдан асли Шаҳри Сабзлик бўлган Амир Хусрав Деҳлавий ибн Амир Сайфиддин ва Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ота-боболари каби буюк мутафаккирлар Ҳиндистонга кўчиб боришганлиги ва у ердаги илм фанга беназир ҳисса қўшганлиги алоҳида эътиборга молик. Бу икки буюк мутафаккир нафақат Ҳинд диёрида шуҳрат қозонади балки бутун туркий ва форсий халқлар яшайдиган маконларда донг таратгани маълум. Айниқса, бобурийлар ҳукмронлиги даврида термизий сайидлардан Кашфий Термизий, Сайид Низомиддин Муҳаммад Маъсум Термизий, Фатҳий Термизй, Сайид Али Термизий каби зотларнинг ота боболари Ҳиндистон ва Покистон ўлкаларига кўчиб боришган. Ана шундай буюк зотлар қатори кўпчиликка маълум бўлмаган Жудоий Термизий ҳам асли термизлик бўлганини қуйидаги маълумотлардан билиб оламиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жудоий Термизий тахминан ҳижрий ўнинчи асрда Мир Мансур Мусаввир оиласида Термизда таваллуд топади [3, - С. 183]. Асл исми Мир Сайид Али Жудоий Термизий бўлган. Термизий сайидлардан бўлганлиги учун Сайид исми фахрий ном сифатида қуйилади. Жудоий унинг шеъриятидаги тахаллусидир. Ёшлик пайтида отаси билан Табризга кўчиб боришади. Бир қанча муддат Табриздаги Шоҳ Таҳомасб кутубхонасида наққошлик билан шуғулланади. Аммо кўп ўтмасдан ижтимоий-сиёсий вазъият тақозоси билан Ҳиндистонга кўчиб боришади. Ота-ўғил наққош бўлганлиги сабабли Жалолиддин Акбаршоҳ ўз саройига даъват этади. Саройда наққошлик, хаттолик қилиб кун кечиради.

Жудоий Термизийнинг биринчи устози отаси Мир Мансур Мусаввир бўлган бўлса, кейинчалик Табризда унга бу касбдан Султон Муҳаммад Табризий ва Мирак хаттот дарс беришади. Жудоий улардан наққошлик ва хаттотликнинг нозук сирларини ўрганиб замонасининг номдор хаттотига айланади. Деворларга нақш бериш, меморий обидаларга хаттотлик қилиш, китоблар ҳошиясини зийнатлаш унинг севимли касби бўлган. Настаълиқ, сулс, куфий хат турларида чиройли ёзарди. “Ҳамзанома” асарини чиройли хат билан ёзилгани бугунги кунга қадар мавжуд.

Жудоий Термизийнинг машҳур шогирдлари Шайх Ҳусайн, Шайх Али, Шайх Ҳотамдир. Мир Сайид Али Жудоий Термизий ва Абдуссамад Ширинқалам биргаликда Ҳиндистонда наққошлик, хаттотлик ва котиблик мактабига асос солади. “Ҳамзанома” номли нусха ўстида ўн беш йил ишлагани у кишининг касбидаги пишиқлик ва сабрли бўлганидан далолат беради. Бундан ташқари бир қанча тарихий воқеалар суратини чизганлиги ҳам диққатга сазовор.

Мир Сайид Али Жудоий Термизий нафақат рассом, хаттот, кошинкор, котиб, наққош бўлган балки шу билан бирга ўз замонасининг маҳоратли шоири ҳам эди[3, - С. 183]. جدایی در غزل سرایی ماهر بوده و قصاید و مقطعات و رباعیات نیز داشته است] 1].

(Таржимаси: Жудоий ғазалнависликда маҳоратли эди, ундан бир қанча қитъа ва рубоий жанридаги шеърлар мерос қолган).

Мир Сайид Али Жудоий Термизий “Сувар-э Сайид Али Нодиру-л-мулк Ҳумоюншоҳи” (“Нодиру-л-мулк Ҳумоюншоҳнинг тасвири”, “Лайли ва Мажнун образининг тасвири”, “Амал-э Мир Сайид Али”, “Мажмума-э руҳониён-э мусалмон”, “Кор-э Мир Сайид Али” каби миниатюура ва тасвирий санъатга оид асарлари мавжуд. “Аҳвол ва осор-э наққошон” асарида унинг саккизта асари номи зикр қилинган.[3, - С. 183].

Бу зот ҳақида қуйидаги тазкирларда маълумот келтирилган. “Гулистон-э ҳунар”, “Арафоту-л-ошиқин”, “Махзану-л-ғароиб”, “Аҳвол ва осор-э наққошон”, “Торих-э адабиёт дар Ирон”, “Торих-э тазкираҳо-э форсий”, “Торих-э назму наср”, “Торих-э ҳунарҳо-э миллий”, “Донишмандон-э Озарбойжон”, “Шом-э ғарибон”, “Мажмаъу-л-хос”, “Ҳафт эқлим”, “Ҳунар-э қаламдон”, “Корвон-э Ҳинд”, “Фарҳанг-э суханварон”, “Жудоий Тирмизий”, “Шамъ-э анжуман”, “Мунтахабу-т-таворих” каби асарларни санаш мумкин [8, - С. 365]. “Донишмандон-э Озарбойжон” тазкирасида уни Озарбойжонлик деб тилга олинган бўлса, “Гулистон-э ҳунар” номли тазкирада эса Табризлик деб тилга олинади. “Арафоту-л-ошиқин”, “Наштар-э ишқ” ва бошқа кўплаб тазкираларда термизлик деб тилга олинади. Машҳур форс олими Аҳмад Гулчин Маъоний “Корвон-э Ҳинд” тазкирасида Жудоий Термизийни Жудоий Мусаввир деб тилга олади. Бу кишининг асли Термизлик сайидлардан бўлганлигини тасдиқлаб, Мир Алоуддавла Комий “Нафоису-л-муосир” асрида келтирилган қуйидаги сўзларни мисол келтиради:

جدایی اسمش مر سید علی و خلف صدیق میر مصور مشهور است اسل ایشان از ترمذ است بعضی اوقات اجداد وی در بدخشان میبده اند میر حیثیات بسیار دارد و در وادی تصویر... استاد بینظیر است و در فن شعر و دریافت آن به غایت بهره مند و خبیر [۲, - C. ۳۷۲].

(Мазмуни: Жудоийнинг исми – Мир Сайид Али отаси Сиддиқ Мир Мусаввир бўлиб, асли термизликдир. Баъзан унинг ота-боболари Бадахшонда ҳам яшаган[1]. Мир Сайид тасвир водийсида беназир қудрати ва шуҳрати бор эди. Шеърият фанидан хабардор ва бадиий тафаккури бениҳоят бой бўлган).

Таъкидлаш лозимки, Жудоий Термизий асли Термизлик сайидлардан бўлиб ижтимоий-

[1] Баъзи тазкираларда Бадахшоний ҳам дейилади.

сиёсий вазият сабабли она-диёрини тарк этиб, Эрон ва Ҳиндистонга боради. Лекин ватанидан жудо бўлган бўлса ҳам шу юрт вориси сифатида илм-фан, санъат ва адабиёт соҳасида беназир хизмат қилади. Тарихий-адабий манбаларда “Мусаввир”, “Хаттот”, Наққош”, “Нодиру-л-мулк”, “Сайид” каби унвонлари билан тилга олинади. Чизган тарихий расмлари дунёнинг машҳур музейларида сақланиб келиши унинг беназир рассомлигидан далолат беради.

Жудоийнинг шахсий фазилати, ҳунари ва адабий мероси борасида кичик замондоши бўлган шоирлар ва кейинги давр тазкирачилар бир қанча тавсифий характерга эга бўлган маълумотларни очиқлайди. Аллоуддавла Қазвиний унинг наққошлик ва рассомлик маҳоратини юқори баҳолаб *“мушкин рақам”* деб тавсифлайди:

میکند پیدا ز نوک خامه ی مشکین رقم
سر هر صورت که آن مرقوم لوح فطر تست

[2, - С. 273].

(Мазмуни: Унинг қалами доимо чиройли ёзади, чизилган ҳар бир сурати фитрати лавҳидандир).

Бобурийлар даврида бадиий санъат ривожланишининг яна бир сабаби бу даврда кўплаб хаттотлар, наққошлар ва шоирлар Ҳиндистонга кўчиб боришган. Бу ҳақда Меҳдий Баёний ўзининг тўрт жилдлик “Аҳвол ва осор-э хўшнависон” тазкирасида батафсил маълумот беради. Жумладан Жудоий Термизий бадиий маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтади [6, - С. 27].

Жудоий Термизий Эрон, Афғонистон, Ироқ, Арабистон ва Ҳиндистоннинг турли гўшаларига сафар қилиб бадиий тафаккурини ва касбий маҳоратинти оширган.

Жудоий Термизий умрининг охирида Каъбатуллоҳни зиёрат этади. “Арафоту-л-ошиқин” асарида Жудоий тахаллусини олишининг сабабини қуйидагича баён этади:

میر سید علی بعد از این حال رخصت مکه معظمه گرفت
در آنجا صورت وجودش به معنی حق واصل شده خطاب
ارجعیرا لبیک جواب داده و او جدایی تخلص کردی

[2, - С. 275].

(Мазмуни: Мир Сайид Али бу ҳолдан сўнг Маккаи муаззамани зиёрат этишга рухсат олади. У ерда ботиний олами Ҳақ ва ҳақиқатга боғланади ва “иржиъий[2]” хитобига “лаббайка” айтади (яъни оламдан ўтади). Шу ҳолдан сўнг “Жудоий” тахаллусни олади).

Таъкидлаш жоизки, Жудоий Ҳаж амалини бажо келтириб Маккада вафот этади. Мухлислари, замондошлари шу ерда вафот этганлиги учун “Жудоий” тахаллусини унга қуядилар.

Жудоий шеъриятда ҳам беназир ижодкордир. Шеърлари ошиқона ва орифона маъно-мазмун касб этади.

خواستم گویم از احوال خود آن بدخورا
همه دم همدم غیرست چه گویم اورا

(Мазмуни: Нодон жоҳил ва саркаш нафсим аҳволини унга айтишни хоҳладим, бироқ бу нафс доимо бегоналар билан улфат бўлган, шунинг учун унга нима дейишни билмай қолдим).

صبحدم خار دم از همدم گل میزد
ناخنی در دل صد پاره ی بلبل میزد

(Мазмуни: Тикан тонг пайти гул билан бирга бўлишни даъво қиларди, тилк- пора бўлган бўлбул юрагини тирнаб озор берарди).

نیم بسمل صیدم و افتاده دور از کوی دوست
میروم افتان و خیزان تا ببینم روی دوست

(Мазмуни: Чала ўлжадек дўстнинг куйидан узоқлашиб қолдим, шундай бўлсам ҳам йиқлиб-йиқилмай дўст жамолни кўришга интиламан).

لشکر ما اهل معنی کشور ما ملک فقر
تخت ما خاک قناعت تاج ما سودای ما

[2, - С. 275-276].

(Мазмуни: Бизнинг куч қувватимиз ва лашкаримиз – маъно аҳли бўлган инсонлар, мамлакатимиз эса фақр мулкидир. Подшоҳлик тахтимиз қаноат тупроғи ва бошимиздаги тож – бу ишқ савдосидир).

ХУЛОСА

Юқоридаги шеърлардан маълум бўладики, шоир шеъриятида энг асосий ғоя илоҳий муҳаббатга ноил бўлиш. Пок муҳаббат йўлидаги турли изтироблар, шоир қалбида кечган ҳиссиётлар шоирона маҳорат билан баён этилган. Инсон камолотида қаноат ва сабр қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиб бу йўлда ўз нафсини тарбиялаш борасидаги фикрлари ахлоқий аҳамиятга эга.

Жудоий Термизийнинг чизилган расмларидан намуналар

[2] ارْجِعِي إِلَى رَبِّكِ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً (Ато этилган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ томонидан) ҳам рози бўлинган ҳолингда, Раббинг (ҳузури)га қайтгин). – Фажр сураси, 28 оят. Қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсири муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т:. “Сано стандарт” нашриёти, 2019. – Б. 594.



Мир Сайид Али Жудоий Термизий томонидан чизилган ёш хаттотнинг китоб ўқилиши тасвири



Мир Сайид Али Жудоий Термизий томонидан чизилган Лайли ва Мажнун достонидаги қаҳрамонлари тасвири



Мир Сайид Али Жудоийнинг ҳамкасби ва дўсти наққош Абдуссамад Ширинқалам томонидан чизилган сосонийлар саройи мулозимлари ва шоҳнинг мажлиси тасвири

ХУЛОСА

Юқоридаги мулоҳаза ва маълумотлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Мир Сайид Али Жудоий Термизий Термиз шаҳрида туғилиб, умрининг даврида отаси билан Табризга кўчиб боришади, Султон Муҳаммад Табризий ва Миракдан хаттотлик сирларини ўрганади ва машҳур “мусаввир” сифатида халқга танилди;

Жудоий Термизий гарчи хаттот, наққош ва рассом бўлса ҳам у бундан ташқари бор маҳоратини шеъриятга бағишлади. Шунинг учун орифона ва ошиқона шеърлар ёзишга муваффақ бўлди;

Мир Сайид Али Жудоий Термизий нафақат Табриз, Афғонистонда шуҳрат қозонди балки Ҳинд диёрида ўз мактабини яратган ягона мусаввирдир;

Бу зот термизий сайидларнинг Ҳиндистондаги машҳур вакилларидан биридир. Бинобарин кўплаб тазкираларда турли ном ва унвонлар билан тилга олинади;

Жудоий Термизий бадиий санъатнинг нодир тури бўлган рассомлик санъатини отаси ва устозларидан нозик сирларини ўрганди. Шу сабабли Ҳиндистонда Камолиддин Беҳзод рассомлик мактабининг йирик вакили сифатида танилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. https://vista.ir/m/a/31chi
2. Аҳмад Гулчин Маъоний. Корвон-э Ҳинд. Жилд-э аввал. – Машҳад: Остон-э Қудси Разавий, 1369 ҳ. – С. 273
3. Аҳмад Гулчин Маъоний. //Мирмансур Мусаввир Тирмизий ва фарзанд-э барўмандаш Мир Сайид Али Жудоий шоир. – Теҳрон: Нашрия-э ҳунар ва мардум, 1352 ҳ. – С. 183.
4. Кифоят Кўшо. //Нодиру-л-мулк Ҳумоюншоҳий. – Теҳрон: Оин-э мирос, 1387 ҳ. – С. 40.
5. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсири муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т:. “Сано стандарт” нашриёти, 2019. – Б. 594.
6. Меҳдий Баёний. Аҳвол ва осор-э хўшнависон. / Бахш-э аввал. – Теҳрон: Донишгоҳ-э Теҳрон, 1345. – С. 13.27.
7. Ҳусайнқулихон Азимободий. Тазкира-э наштар-э эшқ сада-э сиздаҳум-э ҳижрий/ Тасҳиҳ ва таълиқот-э Сайид Камол Ҳож Сайид Жаводий. Ж. 2. Мирос-э мактуб, 1391 ҳ. – С.365.